Ушбу сонда:
2 КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МИЛЛИЙ ДАСТУРИ – АМАЛДА
3 ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНА
4 «УМИД НИҲОЛЛАРИ – 2002» МУСОБАҚАЛАРИДА

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ – ОЛИЙ БАХТ

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 1 май, чоршанба, №70 (1287)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ТРАКТОРСОЗЛАР МУВАФФАҚИЯТИ

Россиянинг Ростов-Дон шаҳрида ўтказилган нуфузли «Интерагромаш» бешинчи халқаро кўргазмада «Тошкент трактор заводи» давлат ҳиссадорлик жамияти «ТТЗ-80.10» универсал шудгорлаш тракторининг ишончлилиги ва шинамлилиги учун кумуш медал ҳамда дипломга сазовор бўлди. Шунингдек, корхонага кўргазмадаги фаол иштироки ва ўз маҳсулотини халқаро бозорга олиб чиққани учун диплом топширилди.

Кўргазмада «Тошкент трактор заводи» қишлоқ хўжалик техникасини ишлаб чиқарувчи жаҳонга машҳур «Жон Дир», «Кейс Нью Холланд», «Массей Фергюсон» ва бошқа фирма ҳамда компаниялар билан рақобатлашди.

Ушбу нуфузли кўргазмада «ТТЗ» давлат ҳиссадорлик жамиятининг катта муваффақиятга эришиши тошкентлик тракторсозларнинг жаҳонда обрўси ўсиб бораётганидан дарак беради.

(ЎзА).

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 30 апрел куни Оқсаройда Хитой Халқ Республикаси Эксимбанки президенти Янг Цзилинни қабул қилди.

Учрашувда давлатимиз раҳбари Ўзбекистоннинг Хитой билан ҳамкорлиги барқарор ривожланиб бораётганини таъкидлади.

Хитой Эксимбанки делегациясининг мамлакатимизга ташрифи ҳам ғоят самарали кечди. Турли вазирлик ва муассасаларда бўлиб ўтган музокараларда ўзаро ҳамкорликка доир кўплаб масалалар бўйича атрофлича фикр алмашилди. Музокаралар якунида ҳужжатлар қабул қилинди. Хусусан, ХХРнинг Ўзбекистонга имтиёзли кредит ажратиши тўғрисида ҳукуматлараро битим ҳамда мамлакатимиз Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан Хитой Эксимбанки ўртасида ҳамкорлик тўғрисида ҳужжат имзоланди.

Оқсаройдаги учрашувда мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Тошкентда бутун Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги соғлиқни сақлаш тизими учун катта аҳамиятга эга бўлган Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази очилган ушбу кунларда Сизнинг олижаноб ва фидойи меҳнатингиз, мамлакатнинг ҳамма жойларида шошилинч тиббий ёрдам тизимини ташкил этиш ҳақидаги ғоянги, Ўзбекистон Республикаси раҳбариятининг бу борадаги улкан саъй-ҳаракатлари учун энг самимий табрикларимизни, энг эзгу қутловларимизни ва чуқур миннатдорлик эҳтиромимизни қабул қилгайсиз! Биз бу қутлуғ ишни минглаб инсонларнинг ҳаёти ва тақдирини асраш ва қадрлашга қаратилган ғамхўрлик, деб биламиз.

Сизнинг халқ саломатлигини мустаҳкамлаш борасидаги фаолиятингизга, ўзбекистонлик барча ҳамкасбларимиз ишига Ҳамдўстлик давлатларининг шифокорлари, олимлари ва фуқаролари сифатида ижодий ва касбий дахлдор эканимиздан фахрланамиз. Чунки кўрсатилаётган бу эътибор замирида дунёда инсон ҳаётини энг буюк неъмат дея эъзозлашдек эътироф мужассамдир!

Ишончимиз комилки, Илмий марказ халқингиз соғлиғини муҳофаза этишга қўшилган муносиб ҳисса бўлиб, мамлакатингиз соғлиқни сақлаш тизимини янги ютуқлар ва ижодий муваффақиятлар билан бойитади. Яна шунга аминмизки, у ўзаро меҳр-оқибат, шифокорлик бурчига, ўз касбига, беморларга, яхшилик ва инсонийлик ғояларига садоқат туйғуларини тарбиялашдек олижаноб вазифага, бутун Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг инсонпарварлик йўлидаги интилишларига хизмат қилади.

Сизга мустаҳкам соғлиқ, инсоний ва ижодий умрбоқийлик, инсонлар саломатлиги ва равнақи йўлидаги эзгу фаолиятингизда улкан зафарлар тилаймиз. Донишмандлик, ижодий шавқ ва шижоат, хотиржамлик ва ишонч Сизни ҳеч қачон тарк этмасин.

Сизни, оилангизни, яқинларингиз ва дўстларингизни Яратганнинг ўзи асрасин!

Сизнинг мамлакатларимиз, бутун Ҳамдўстлигимиз учун бугунги кунда ғоят муҳим бўлган бундай фидокорона фаолиятингизда Яратганнинг ўзи мададкор бўлсин!

Ю.Л.ШЕВЧЕНКО,
Россия Федерацияси Соғлиқни сақлаш вазири

В.И.ПОКРОВСКИЙ,
Россия Тиббиёт фанлари академияси президенти

Қарор ва ижро

САМАРҚАНД:
РЕПРОДУКТИВ САЛОМАТЛИК

Вилоят оналик ва болаликни муҳофаза қилиш саломатлик маркази 1994 йилда шаҳардаги 4-туғруқхона негизида ташкил топган. Шифо масканига тиббиёт фанлари номзоди, тажрибали гинеколог Сайёра опа Собирова раҳбарлик қилаяпти.

Марказда 5 нафар тиббиёт фанлари номзоди, 14 та олий тоифали, 76 та олий маълумотли врач, 125 нафар ўрта махсус тиббиёт ходимлари ва бошқа касб эгалари, жами 350 киши ишлайди.

Тиббиёт масканида 9 та бўлим, Самарқанд тиббиёт олийгоҳининг малака ошириш факультети фаолият кўрсатаяпти. Асосий мақсад ҳомиладорлик, туғиш ва туғруқдан кейинги асоратларнинг олдини олишда малакали тиббий ёрдам кўрсатиш, туғиш ёшидаги аёллар ўртасида даволаш-профилактика тадбирларини амалга оширишдан иборат.

Она қорнидаги ҳомиланинг ривожланиш ҳолатини ўрганиш, скрингнинг диагностика ишларини ўтказиш, оилани режалаштириш хусусида аҳоли ўртасида мулоқотлар уюштириш, вилоятнинг даволаш муассасаларига акушер-гинекологик хизматнинг долзарб масалалари бўйича услубий ёрдам бериш, она ва болаликни муҳофаза қилиш, никоҳ ёшидаги йигит-қизларни ҳаётга тайёрлашда кўмаклашиш марказ ходимлари зиммасига юклатилган.

(Давоми 2-бетда).

МДҲДА ЯГОНА

«Uzbekistan Airways Technics» самолёт таъмирлаш корхонаси Германиянинг «Lufthansa Technik» компанияси билан ҳамкорлик қилишга келишиб олди.

Бу ҳақдаги ҳужжатга шу йилнинг 6-12 май кунлари Берлин шаҳрида ўтказиладиган «ILA-2002» халқаро ҳавокоинот кўргазмаси пайтида имзо чекилади.

- Мазкур кўргазмада корхонамиз «Lufthansa Technik» компанияси билан бирга иштирок этади, - деди корхона директори Анатолий Миндар. - Биз унда дунёнинг етакчи авиакомпанияларига хизматимизни таклиф этиш имкониятига эга бўламиз.

Корхона 1998 йилдан буён А-310, Boeing-757, Boeing-767 ва RJ-85 русумидаги самолётларни таъмирдан чиқариб келмоқда. Унга қадар фақат МДҲ мамлакатларида ишлаб чиқарилган ҳаво кемаларига техникавий хизмат кўрсатиб келинар эди. Корхона номи зикр этилган русумдаги самолётларга мураккаб техникавий хизмат кўрсатиш ҳуқуқини берувчи сертификатларга эга. Шуни қайд этиш керакки, «Uzbekistan Airways Technics» МДҲ ҳудудида Ғарб мамлакатларида ишлаб чиқарилган ҳаво кемаларини таъмирловчи ягона корхона ҳисобланади. Келгусида корхона ўзига МДҲ ва Осиё давлатларидаги авиакомпаниялар эътиборини кўпроқ жалб этиш ҳисобига мижозлар сонини орттириш ниятида.

Бундан ташқари, Германиянинг қатор банклари билан 18,8 миллион АҚШ доллари миқдорида кредит ажратиш ҳақида келишиб олинган. Бу маблағлар ёрдамида 6,5 миллион долларлик янги асбоб-ускуналар келтирилиши кўзда тутилган.

(ЎзА).

Фарғона шаҳри бир ҳафта мобайнида ёшлик ва шижоат байрами нафаси билан яшади. Асосий мусобақалар ўтказилган стадионлар, уларга туташ шаҳару қишлоқлардагина эмас, бутун Фарғона заминида мамлакатимизнинг барча гўшаларидан келган ёш спортчилар дилидаги ғайрат, келажакка ишонч ва ёшлик сурури барқ уриб турди.

ОЗОД ЮРТНИНГ БАХТИЁР ФАРЗАНДЛАРИ

30 апрел оқшомида мусобақалар боис янгича кўрк ва чирой очган «Фарғона» стадиони узра яна чорлов мусиқаси янгради.

Бир ҳафта давом этган умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари» республика спорт ўйинларида спортнинг ўн бир тури бўйича ўзаро беллашилди. Лекин муҳими бу эмас. Муҳими, «Кичик олимпиада» деган юксак ва шарафли номга сазовор бўлган бу мусобақаларнинг барча босқичларида мамлакатимиздаги мактаб ўқувчиларининг 88,3 фоизи иштирок этди. Муҳими, у жисмоний тарбия ва спорт кундалик ҳаётда нечоғлик катта аҳамиятга эга эканини кўрсатди. Муҳими, мусобақаларга тайёргарлик жараёнида бутун мамлакат бўйлаб барча мактабларда ўқувчиларнинг спорт ва жисмоний тарбия билан мунтазам шуғулланишига имкон яратилди. Янги спорт иншоотлари қурилиб, мавжудлари таъмирдан чиқарилди.

Мамлакатимизда бошланган мазкур оммавий ҳаракат самараси ўлароқ, синфлараро, мактабларо мусобақаларда, туман ва вилоят биринчиликларида ғолибликни қўлга киритган 1918 нафар ёш йигит-қиз Фарғонада жам бўлди. Фақат ғалаба учун интилган, куч ва маҳоратда тенгдошлари ҳавас қилса арзигулик йигит-қизлар ўзаро куч синашди.

Шуниси эътиборга сазоворки, «Умид ниҳоллари» спорт ўйинлари фақат мусобақаларгинаи иборат бўлмади. Спортчи ёшлар гўзал Фарғонанинг сўлим табиати, меҳмондўст ва дилкаш халқи билан яқиндан танишди. Уларнинг урф-одатлари, ўзига хос ҳаёт тарзи билан ошно бўлди. Кўҳна Марғилон маҳаллаларида, вилоятнинг турли шаҳар ва қишлоқларида ўтган учрашувлар, шеърият кечалари, куй ва қўшиқ базмлари, спорт-интеллектуал ўйинлар, дискотекалар ёшларга завқ-шавқ бағишлади. Тошлоқ туманининг Қалача қишлоғи марказидаги «Умид ниҳоллари» боғига ўтказилган ниҳоллар эса ёшларимизнинг орзу-умидлари сингари бўй чўзиб, гуркираб яшнашига шубҳа йўқ.

Мусобақаларнинг тантанали ёпилиш маросимида ғолибларнинг номлари яна бир бор тилга олинди.

Ниҳоясига етган мусобақаларнинг яна бир муҳим жиҳати, у мамлакатимизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида яратилган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида кўзда тутилган узлуксиз таълим тизимига монанд ҳолда умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ҳамда олий ўқув юртлари талабаларини жисмоний тарбия ва спортга оммавий тарзда жалб қилишга қаратилган яхлит спорт тизимининг ҳаётга тўла татбиқ этилганини намойиш этди.

Мамлакатимиз миқёсида тўрт босқичда ўтказилган «Умид ниҳоллари» мусобақалари ўқувчилар қалбида ўзига бўлган ишонч, ғурур ва ифтихор туйғуларини булоқдай тоширди. Ёшлар мамлакати бўлган Ўзбекистонда жаҳонда биринчи бўлиб ўқувчи ва талабаларни спортга оммавий ва мунтазам жалб қиладиган бир бутун тизимнинг яратилиши ҳамда ҳаётга татбиқ этилишининг аҳамияти ниҳоятда улкан эканлиги орадан йиллар ўтгани сари янада яққолроқ намоён бўлаверади. Бугун синфлараро ва мактабларо мусобақаларда ғолиб чиққан, республика миқёсида ўз вилояти шарафини ҳимоя қилган умидли ўғил-қизлар вақти келиб юртимиз байроғини халқаро мусобақаларда, қитъа ва жаҳон биринчиликларида, олимпия ўйинларида баланд кўтариши шубҳасиз...

- Мен «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларида миллий кураш бўйича биринчи олтин медални қўлга киритганимдан фахрланаман, - дейди навоийлик Исмоил Қурбонов. - Ғолиблик кишига шараф, ғурур бағишлайди, янгидан-янги ғалабалар сари ундайди. Тўғри, бу мусобақаларда яна кўплаб ўқувчилар олтин медаль олишди. Лекин мен илк маротаба ўтказилган «Умид ниҳоллари»нинг ўзим танлаган спорт тури бўйича биринчи медалини олганимни ҳеч қачон ёдимдан чиқармайман. Насиб этса, «Баркамол авлод», «Универсиада» мусобақаларида ҳам фақат олтин медаль учун курашаман.

Дарҳақиқат, мусобақа ғолибларига аталган мукофотлар жуда кўп. Аввалгидек, шуҳрат, тенгдошлар эътирофи, катталар эътибори, турли қимматбаҳо совғалар ғолибларга аталган. Лекин уларнинг орасида шундай мукофот борки, уни қўлга олишга фақатгина энг чаққон, кучли, иродали, маҳоратли спортчилар ҳақлидир. Бу шарафли мукофот - Президент Ислом Каримовнинг «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаси ғолиб жамоасига йўллаган табриги.

Ниҳоят, орзиқиб кутилган дамлар келди. «Умид ниҳоллари» республика спорт ўйинлари ғолибларига мукофотларни топшириш маросими бошланди. Мусобақа иштирокчилари, меҳмонлар ва Фарғона аҳли билан гавжум, байрамона безатилган чароғон стадионда мукофотларни Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси Т.Рисқиев, Бош вазир ўринбосари Ҳ.Карокатов, Фарғона вилояти ҳокими А.Отабоев, Халқ таълими вазири Р.Жўраев, Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Б.Маҳситов топширди.

Биринчи ўринни олган Тошкент шаҳри жамоасига Президент Ислом Каримов табригининг асл нусхаси, «Дамас» автомобили ҳамда I даражали диплом, иккинчи ўринни олган Фарғона вилояти жамоасига «Дамас» автомобили ва II даражали диплом, учинчи ўринни қўлга киритган Наманган вилояти жамоасига компютерлашган кичик босмахона ва III даражали диплом топширилди.

Шунингдек, мусобақа ғолиблари турли рағбатлантирувчи мукофотлар билан тақдирланди. «Энг ахил жамоа» учун рағбатлантирувчи соврин - компютер Наманган вилояти волейболчи қизлар жамоасига насиб этди. «Энг чиройли ғалаба» учун рағбатлантирувчи соврин - телевизор фарғоналик полвон Шерзод Маҳмудовга берилди. «Юксак натижага интилиш» учун рағбатлантирувчи соврин - видеомагнитафон тошкентлик енгил атлетикачи Светлана Радзивилга топширилди.

Шундан сўнг янгроқ куй садолари жўрлигида «Умид ниҳоллари» республика спорт ўйинлари байроғи туширилди. Ёшлар ҳаётида ўзаро дўстлик, бирадарлик, бирдамлик, ҳалоллик, ҳолислик каби фазилатларни шакллантирган «Умид ниҳоллари» машъаласи келгуси йили Хоразм воҳасида ёқилади.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
Расул КАМОЛОВ,
ЎзА мухбирлари

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига бирлашган касаба уюшмаларининг Низомида ташкилотнинг маблағларидан тежамкорлик билан фойдаланиш, молия-хўжалик фаолиятини такомиллаштириш муҳим вазифа, деб белгиланган.

Долзарб мавзу

ИЖТИМОИЙ СУҒУРТАДАН ҚАРЗДОРЛИК

меҳнаткашларни соғломлаштириш борасида қатор муаммоларни юзага келтирмоқда

Зеро, касаба уюшмалари тизилмаларини ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлаш, маблағларни бошқариш механизмини такомиллаштириш бозор шароитида катта аҳамиятга эгадир. Чунки, бу маблағлар фуқароларнинг дам олиши ва соғломлаштириш тадбирларига сарфланади.

Денов туман агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма қўмитаси ижтимоий суғурта маблағларидан фойдаланиш соҳасида бир мунча ишларни амалга оширди. Ўтган йили 1,2 фоизли маблағлар 13 миллион 440 минг сўмни ташкил этди. Бундан ташқари, ҳукумат қарори билан 17 миллион 200 минг сўмлик қарздан кечилди.

— Шунга қарамасдан, айрим ташкилот ва муассасалар ижтимоий суғурта тўловларини ўз вақтида ҳисобимизга туширмаяптилар, - дейди қўмита раисининг ўринбосари Э.Мансуров. - Оқибатда баъзан меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштиришда қийинчиликларга дуч келиняпти.

Эътиборсизлик туфайли мажбурий тўловларнинг ҳисоб-китоби кечикмоқда. Ҳозирги пайтда тумандаги корхона, ташкилот ва муассасалар ҳисобидан 6 миллион 504 минг сўм ижтимоий суғурта маблағи тўланмаган. Жорий йилнинг биринчи чорагидаги қарзлар 3 миллион 343 минг сўмни ташкил этади.

Масалан, Аҳмад Мирзаев раҳбарлик қилаётган, Раҳмат Бозоров касабақўм раиси бўлган таъмирлаш-механика ҳиссадорлик жамиятининг ижтимоий суғуртадан қарзлари 620 минг сўмни ташкил этди.

Денов сув иншоотларини таъмирлаш идораси 581 минг, 21-хўжалик ҳисобидаги автокорхона 371 минг сўм маблағни тўлагани йўқ.

Кўпчилик раҳбарлар, бош ҳисобчилар ташкилотларида меҳнат қилаётган касаба уюшма аъзоларини даволатиш учун санаторий ва дам олиш уйларига йўлланма сўрашади. Лекин, йўлланмалар қайси маблағ ҳисобидан келишини билишмайди. Агар билишганда эди, машина-трактор парки бошлиғи Чори Давлатов, касаба уюшма қўмитаси раиси Хуррам Худойназаров 685 минг сўм ижтимоий суғурта қарзини узган бўлармидилар. Шунингдек, шаҳардаги шаробароқ ҳиссадорлик жамиятининг қарзи ҳам 339 минг сўмдан ошиб кетди.

Умуман, тумандаги 50 та корхона ва ташкилотнинг 14 таси ижтимоий суғурта маблағларини тўлаган эмас.

Бултур фуқароларга санаторий ва дам олиш уйларига 5 миллион 125 минг сўмлик 131 та, болалар ва ўсмирларга 3 миллион 797 минг сўмлик 718 та йўлланма тарқатилди. Бироқ, тумандаги «Мустақиллик», «Ўзбекистон», «Ғалаба», И.Тўраев, Худойназаров номли ширкат хўжаликлари оромгоҳлардан қарзлари кўплиги туфайли болаларни дам олиш масканларига юбора олмадилар.

Йил якунига кўра қўмита ҳисобига 17 миллион 923,5 минг сўмлик аъзолик бадали тушди. Бу ҳар бир касаба уюшма аъзосига ўртача 0,69 тийинни ташкил этади. Тўғри, «Сурхонозиқовқатсаноат», Н.Мирзаев номли ишлаб чиқариш автокорхонаси, Денов агротижорат коллежи, бизнес мактаби, Тўпаланг - Қоратоғ каналлар бошқармаси, агроқурилиш-таъмирлаш, «Дунёдон» ташкилотлари, Охунбобоев номли ширкат хўжаликларида аъзолик бадаллари ўз вақтида тўланмоқда.

Аммо, «Ҳазарбоғ» ширкат хўжалигининг касаба уюшмалари аъзолик бадаллари бўйича қарзи 3 миллион, «Ғалаба» хўжалигиники 1,6 миллион, 1-машина-трактор паркида 1,3 миллион, Амир Темур номли хўжаликда 410 минг, 21-хўжалик ҳисобидаги автокорхонада 345 минг, «Ўзбекистон» ва Хидоятов номли ширкат хўжаликларида эса қарзлар 360 минг сўмни ташкил этади.

Ижтимоий суғурта маблағлари ва касаба уюшмаларига аъзолик бадалларини тўлаш ўта муҳим иш эканлигини унутмайлик. Шундай экан, корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарлари, касаба уюшма қўмиталари бу соҳадаги фаолиятларида жиддий ўзгаришлар қилишлари керак.

Иззат ҲИКМАТОВ,
«Ишонч» мухбири.

Касаба уюшмалари бозор шароитида

ЕТАКЧИ ўрни ва масъулияти

Бозор муносабатлари шароитида меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш, бунинг учун эса тармоқ битимлари ҳамда жамоа шартномаларининг бажарилиши устидан қатъий назорат ўрнатиш касаба уюшмаларининг асосий вазифаларидан бири бўлиб келмоқда.

Куни кеча бўлиб ўтган Тошкент шаҳар қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ходимлари касаба уюшма қўмитасининг навбатдаги мажлисида ҳам шу масала диққат эътиборда бўлди. Айни пайтда мазкур ташкилоти ўз атрофига 182та бошланғич касаба уюшма қўмиталарини бирлаштирган бўлиб, 22783 нафар аъзоси бор. Мажлисга тайёрланиш жараёнида 60дан зиёд касаба ташкилотларининг бу борада амалга ошираётган ишлари атрофлича ўрганиб чиқилди. Текширишлар шуни кўрсатдики, кўпгина бошланғич қўмиталарда Ўзбекистон касаба уюшмалари III ҳамда тармоқ касаба уюшмаларининг IV қурултойлари қарорларини бажариш борасида анчагина ишлар амалга оширилмоқда. Лекин айрим бошланғич касаба уюшма ташкилотларида бир ёқламачилик ҳолати хукмронлик қилмоқда. «Сергели қурилиш материаллари ва қурилмалари», «Алтемир» ҳиссадорлик жамиятлари, «Саноатэнергия» «ТашОМЗ» заводи, «Абдурашид» хусусий фирмаси каби ташкилотларда ҳатто иш режаси ҳам тузилмаган. Айрим касаба уюшма қўмиталарида эса ўтказилаётган тадбирлар йилдан йилга такрорланиб келмоқда. «Ўзмахсусавтоматика», «Тошмармар»,«ТошКСМ», «Таштрансмаҳсусқурилиш» хиссадорлик жамиятларида касаба уюшма қўмиталарининг жорий йилдаги иш режаларини тасдиқлаш учун тегишли чора тадбирлар кўрилмаяпти. Етакчи ташаббускор бўлмагач ўзибўларчилик давом этяпти.

Шу нарса маълумки, ишидаги ютуқлар кадрлар ишчанлиги, ташаббускорлигига кўп жиҳатдан боғлиқ. Шу боисдан ҳам шаҳар қўмитасида кадрларнинг ўқувига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу ерда доимий фаолият кўрсатувчи семинар ишлаб турибди. Касаба қўмиталарини услубий қўлланмалар билан мунтазам равишда таъминлаб келмоқда. Юқорида айтиб ўтилганидек, шаҳар қўмитасида жамоа шартномалари тузиш ҳамда уларни ҳаётга тадбиқ этиш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хозирги пайтда тумандаги 144та бошланғич ташкилотда жамоа шартномалари тузилган. Эндиги вазифа мазкур хужжатларнинг ҳар бир бандини тўлақонли бажарилишини таъминлашга эришишдан иборатдир. Бу ишда бошланғич ташкилотларнинг етакчилари алоҳида қатъият кўрсатмоқликлари зарур. Чунки бугунги бозор иқтисодиёти шароитида жамоа шартномаларининг меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ҳамда ҳуқуқий манфатларини ҳимоя қилишдаги тутган ўрни ниҳоятда муҳимдир. Бошланғич ташкилотларнинг бу борадаги фаолияти ҳам ўрганиб чиқилди. Ўтган 2001 йилда жамоа шартномаларининг бажарилиши 94 фоизни ташкил этди. Бунинг тўлиқ бажарилмаганлигининг асосий сабаби меҳнаткашларга иш ҳақини ўз вақтида тўланмаётганлигидир. Шу боисдан ҳам ҳар бир касаба уюшма қўмитасининг етакчиси жамоа шартномаларида кўрсатиб ўтилганидек иш ҳақини ўз вақтида тўланишига алоҳида қатъият кўрсатишлари зарур.

Касаба уюшмалари фаолиятидаги яна бир асосий йўналиш бу меҳнаткашлар ўртасида маданий-оммавий ҳамда жисмоний тарбия, соғломлаштириш тадбирларини ўтказишдир. «Оналар ва болалар йили» муносабати билан шаҳар тармоқ қўмитасида ҳаракат дастури ишлаб чиқилиб, бир мунча ишлар амалга оширилди. Афсуски, баъзи корхоналарда меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш ҳамда маданий-маърифий тадбирлар кутилган даражада ўтказилмади. «Тошмухандиссаноатқурилиш», «Тошқурилиштранс», «4- қурилиш трести», «1-Тошкент уй қурилиш комбинати» ва бошқа бир қатор ҳиссадорлик жамиятлари фаолияти бунга мисол бўла олади».

Айни пайтда меҳнаткашларни маънавиятини юксалтириш учун шаҳар қўмитаси тизимида 4та кутубхона ҳамда «Уйқурилиш» ҳиссадорлик жамиятининг маданият уйи мавжуд бўлиб, китоб жамғармаси 11308 нусхани ташкил этади. Лекин кейинги пайтларда ниҳоятда кам нусхада китоб сотиб олинмоқда. Тасарруфида кутубхонаси бўлган касаба уюшма қўмиталарининг раислари китоблар жамғармасини мустақиллик йилларида чоп этилган адабиётлар билан бойитиш учун жиддий чора кўришлари зарур.

Шуни алоҳида қониқиш билан таъкидлаш лозимки, «Сифат», «Ўзшаҳарсозлик ЛИТИ», «Промстройиндустрия» каби корхоналарининг касаба уюшма қўмиталарида соғломлаштириш ҳамда спорт ишлари яхши йўлга қўйилган. Мазкур ташкилотларда меҳнаткашлар «Саломатлик» гуруҳлари, шаҳматшашка, стол тенниси, волейбол ҳамда мини футбол каби спорт турлари билан мунтазам шуғулланиб келишмоқда.

Меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини имтиёзли йўлланмалар билан таъминлаш, турли маданий-оммавий тадбирларни ўтказиш учун ташкилот ва касаба уюшмалар ҳисобидан 215 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди.

Лекин, бу ерда ҳали бартараф этилиши зарур бўлган муаммолар талайгина. Шу жумладан баъзи тармоқ корхона ҳамда ташкилотларида иш берувчиларнинг меҳнат қонунчилигига риоя этмасликлари натижасида ишчи- хизматчиларнинг ҳақ-ҳуқуқлари чекланмоқда. Шу боис меҳнат хавфсизлиги масаласига эътибор янада кучайтирилиши лозим. Яна бир муҳим муаммо. Айрим корхона раҳбарларининг меҳнаткашлар соғлиғига етказилган зарар учун товон пулини ўз вақтида тўламаётганликлари баъзи кишиларнинг турмуш тарзига салбий таъсир этмоқда. Бозор талаби қатъий. Омилкорлик, ташкилотчилик, ташаббускорлик бор жойдагина муаммолар ҳал этилиб, қувончли натижаларга эришилади. Бу эса аввало иш берувчи зиммасига катта масъулият юклайди.

Неъмат РАФИҚОВ,
«Ишонч» мухбири



Маълумки, геология ускуналарини тайёрлаш жараёни осон иш эмас. Ангрен шаҳридаги «Тоғ ускуналарини таъмирлаш» ҳиссадорлик жамиятида тоғда ишлатиладиган техникалар учун эҳтиёт қисмлар тайёрланади. Бундай саъй-ҳаракатнинг замирида ўзгача маъно бор. Чунки, асбоб-ускуналар соз ва сифатли бўлса, иш унуми ҳам кўнгилдагидек бўлади. Мазкур жамоа аъзолари шу кунларда ана шундай масъулятли юмушни виждонан бажариб келишмоқда.

Суратларда: (чапда) жамиятнинг илғор ишчиси Ҳамидхон Муҳиддинов; (ўнгда) механика цехи устаси Мадиброҳим Исматов.

Ф.ХИДИРОВ олган суратлар.

САМАРҚАНД: РЕПРОДУКТИВ САЛОМАТЛИК

(Боши 1-бетда)

130 ўринли туғруқ мажмуаси аёллар хизматида. Бу ерда янги туғилган чақалоқлар, реанимация, туғруққа тайёрлаш ва ҳомиладорлик паталогияси бўлимлари ишлаб турибди. 44 нафар бемор даволанадиган гинекология бўлими, скрининг ва репродуктив саломатлик марказлари, аёллар маслаҳатхонаси фаолиятидан кишилар мамнун.

Вилоятда 650 мингга яқин туғиш ёшидаги аёллар бор. Улардан 10315 нафари хотин-қизлар маслаҳатхонаси томонидан кузатув остига олинган. Бу эса ўз самарасини бермоқда, албатта.

Вазирлар Маҳкамасининг «Болаликдан ногирон туғилишнинг олдини олиш учун янги туғилган чақалоқлар ҳамда ҳомиладор аёлларда туғма ва бошқа паталогияни барвақт аниқлаш бўйича «Она ва бола скрининги давлат тизимини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори асосида бир мунча ишлар амалга оширилди. Уч қаватли бино марказ ихтиёрида. Замонавий «Дельфия», «Виктор» аппаратлари орқали текширилган 960 нафар чақалоқдан 28 нафарида касалликлар аниқланган бўлса, тиббий кўрикдан ўтказилган 6 мингга яқин аёлнинг 115 нафарида ҳомиладорлик нуқсонлари борлиги маълум бўлди.

Вилоятнинг олис туманлари ва қишлоқларига тажрибали шифокорлар гуруҳи юборилаяпти. Акушер-гинеколог Л.Достамова, «Она ва бола скрининги» маркази бўлим мудири Г.Элтазарова, репродуктив марказ врачи Н.Гуменская, туғруқхона мажмуасидан С.Исаевалардан иборат гуруҳ яқинда Тайлоқ туманида бўлиб 200 нафардан ортиқ туғиш ёшидаги аёлларни тиббий кўрикдан ўтказиб, керакли муолажалар қилдилар. Бундай тадбирларнинг Каттақўрғон, Нарпай, Пастдарғом, Пахтачи, Қўшработ ва Нуробод туманларида ҳам ўтказилиши оналар ва болалар ўлимини кескин камайтириш имконини берди.

Шифокорлар томонидан пренетал касаллиги бўлган 850 нафар аёл ҳисобга олинди. 774 она текширувдан ўтказилганда, 46 ҳолатда ҳомиладорлик нуқсонлари борлиги аниқланди. 501 нафар аёлга генекологик ёрдам кўрсатилди.

200 дан ортиқ келин-куёвлар кўрикдан ўтказилганда кўпчилик ёшларда бўқоқ, буйрак ва камқонлик касалликлари борлиги маълум бўлди. Йигит-қизларга даволаниш учун тегишли маслаҳатлар берилди.

Марказнинг моддий-техника негизи тобора мустаҳкамланмоқда. Хусусан, Японияниг «Тюмен корпорейшн» фирмаси томонидан кўрсатилган инсонпарварлик ёрдами туфайли, замонавий тиббий ускуналар ўрнатиш мумкин бўлди. Бундан ташқари Навоий кон-металлургия комбинати 4 миллион, Самарқанд вилоят автомобил йўллари бирлашмаси 3,8 миллион сўмлик моддий ёрдам берди. Ҳомийлар кўмаги билан туғруқхона мажмуасини қайта таъмирлашга киришилди. Вилоят бюджетидан 50 миллион сўм маблағ ажратилди.

«Оналар ва болалар» саломатлик марказида кечаю кундуз ҳаёт қайнайди. Шифокорларнинг саъй-ҳаракати билан шаҳар ва туманлардан оғир аҳволда келтирилган 20 нафар аёлнинг эсон-омон кўзи ёриди. «Таклиф ва мулоҳазалар» дафтарида касалхонада соғайиб кетган самарқандлик Санобар Эргашева, Нурободдан Насиба Убайдуллаева, пахтачилик Мукаррам Аҳадоваларнинг дил сўзлари бор. Эндиликда улар баркамол фарзандларни тарбиялаб, вояга етказмоқдалар.

Марказ бўлимларида 4199 бемор ётиб даволанган бўлса, амбулатория тартибида 85538 хотин-қиз ўз соғлиғини тиклади. Жарроҳлар томонидан мураккаб операциялар амалга оширилди. Лабораторияларда турли даражадаги таҳлиллар ўтказилди.

Ютуқлар ўзимизники. Ечимини кутиб турган муаммолар ҳам кўп. Қишлоқ аҳолисига тиббий ёрдам кўрсатиш, санитария-профилактика хизмати ўсиб бораётган талаблардан орқада қолаяпти. Вилоятда қишлоқ врачлик пунктлари тизимини шакллантиришга етарли эътибор берилмаяпти. 1996-2001 йиллар мобайнида режалаштирилган 124 та ўрнига 109 та врачлик пунктлари қурилганлиги, 73 та ўрнига 47 та ҚВП қайта номланганлиги дастурнинг қониқарсиз бажарилаётганлигини кўрсатиб турибди.

Пастдарғом, Каттақўрғон, Булунғур туманларида қишлоқ врачлик пунктлари қуриш ва таъмирлаш ишларига жиддий аҳамият берилмаяпти. Нуробод, Қўшработ туманларида аёллар ва болаларга тиббий хизмат кўрсатиш соҳасида анча камчилик ва муаммолар бор. Бу туманларда «Тез ёрдам» кўрсатадиган санитар машиналар, даволаш ускуналари учун эҳтиёт қисмлар, ёқилғи-мойлаш материаллари етишмайди.

Аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, оилани мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш устувор йўналишга айланган экан, вилоят тиббиётидаги нуқсонларни бартараф этиш, туғиш ёшидаги аёллар ва болаларнинг соғлиғини муҳофазалаш бундан кейин ҳам муҳим вазифа бўлиб қолаверади.

И. ИСОМУДДИНОВ.

«Янгийўлнон» шўъба корхонаси мана бир неча йилдирки, ўзининг сифатли маҳсулотлари билан истеъмолчилар эҳтиёжини қондириб келаяпти.

БИР-БИРИДАН СИФАТЛИ

Айни пайтда 117 нафар кишини бирлаштирган жамоа ойлик ишлаб чиқариш топшириқларини доим ортиғи билан адо этмоқда. Айниқса, кейинги уч-тўрт ой давомида ишлаб чиқариш қуввати анча оширилди. Натижада янги-янги маҳсулотларни тайёрлаш йўлга қўйилди. Илгари 5-6 хил маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, ҳозир уларнинг сони 15 тага етди. Амалга оширилган техникавий тадбирлар ва изланиш туфайли бир кунда 10-11 тонна нон ва нон маҳсулотлари истеъмолчиларга етказиб берилмоқда.

Ишлаб чиқаришда қўлга киритилаётган ютуқлар натижасида олинаётган фойда салмоғи ҳам ошиб бормоқда. Бунинг натижаси ўлароқ, ишловчилар моддий манфаатдорлиги ҳам юқори бўлаяпти. Ўртача ойлик маоши 25 минг сўмни ташкил этади. Бундан ташқари, жамоа турли хайрия тадбирларида ҳам фаол иштирок этяпти.

Келгусида корхона жамоаси ишлаб чиқариш қувватини яна бир неча баробарга ошириш учун изланишларни давом эттирмоқда. Бундан ташқари, бозор талаблари ўрганилиб, хорижий сармоядорлар кўмагида қўшма корхоналар ташкил этиш ҳам режалаштирилган.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури — амалда

ИСТЕЪДОДЛАР МАСКАНИ

Инсоният тафаккури, ақлий қобилияти жамият тараққиётини белгилайдиган омиллардандир. Уни тўғри йўналтириш мамлакат ривожида муҳим аҳамият касб этади. Академик лицейлар айнан шу мақсадни амалга оширишга, истеъдодли ёшларни тарбиялашга хизмат қилади.

Андижон Давлат университети қошидаги 10-лицей интернат вилоятдаги нуфузли илм даргоҳларидан ҳисобланади. У 1996 йилда ташкил топган бўлиб, шу кунга қадар 388 нафар ўқувчи бу ерда таълим олди. Уларнинг 90 фоизидан ортиғи талаба бўлиш бахтига муяссар бўлишган. Айни вақтда Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент Техника университети, Юридик институт, вилоятдаги Андижон Давлат университети, Медицина, Қишлоқ хўжалиги, Тиллар институтларида ҳамда МДҲдаги нуфузли олийгоҳларда лицейнинг собиқ ўқувчилари таҳсил олмоқда.

— Президентимизнинг «Республикамизда физика фани ўқитишни кучайтириш тўғрисида»ги Фармонига асосан Тошкент шаҳрида ўтказилган «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» иккинчи босқич вазифалари: Табиий фанларни ўқитишда таълим ва фан интеграцияси» мавзуидаги ўқувчиларнинг биринчи республика конференциясида лицей интернатимизнинг икки нафар ўқувчиси иштирок этди, - дейди билим маскани раҳбари Қодиржон Давронов. - Унда Зарифа Ўринова физика ўқитувчиси Тоҳиржон Аҳмедов раҳбарлигида тайёрлаган «Лаборатория ва демонстрация ишларини бажариш учун комплекс қурилма» номли илмий ишини тақдим этиб, фахрли III ўринга мушарраф бўлди. Шунингдек, ўқувчимиз Ҳасанбой Алиев ҳам ўз маърузаси билан қатнашиб, совринли ўринни эгаллади ҳамда космонавтлар мактаби аъзолигига қабул қилинди.

Дарҳақиқат, лицей-интернатнинг қўлга киритаётган ютуқлари анчагина. Бунинг боиси, мазкур илм даргоҳида ўз соҳасининг билимдон, етук мутахассислари йиғилган. Бугунги кунда 11 нафар фан номзоди, 13 нафар олий тоифали, 12 нафар биринчи тоифали устозлар 240 нафар ўқувчига фан чўққиларини эгаллашда кўмак бермоқдалар.

Лицей талабалари замонавий ётоқхона билан таъминланган. Шунингдек, бу ерда тўрт маҳал бепул иссиқ овқат ташкил қилинган. Кутубхона, компьютер ва лингафон хоналари, физика ва кимё лабораториялари ўқувчилар хизматида. Ўқувчилар аниқ ва ижтимоий фанларга ихтисослаштирилган махсус синфларда таҳсил олмоқдалар. Бу йўналишлар бўйича таълим соатларининг чуқурлаштирилган дастур асосида олиб борилиши, фан тўгаракларининг изчил равишда ишлаши, дарсларда янги педагогик технологияларнинг жорий қилиниши, фан янгиликларининг дарсларга олиб кирилиши, шунингдек, фанлар бўйича турли интеллектуал ўйинлар, мушояраларнинг ўтказилиб турилиши туфайли ўқувчиларнинг билим ва кўникмалари ортиб бормоқда. Айниқса, аниқ фанлар ўқитилишининг самараси яққол бўй кўрсатмоқда. Ўқитишнинг энг фойдали усулларидан фойдаланаётган фан номзодлари — А.Тоҳиров, С.Аҳмедов, олий тоифали ўқитувчилар — А.Усмонов, А.Мамадалиевлар математикани мукаммал ўргатишда жонкуярлик қилмоқдалар. Улар томонидан тайёрланган «Энг содда тригонометрик тенгламаларни ечиш», «Ўқувчиларни тестларни мулоҳаза юритиб ечишга ўргатиш», «Энг содда тригонометрик тенгсизликларни ечиш» каби услубий қўлланмалардан нафақат лицей, балки вилоятнинг бошқа ўқув даргоҳларида ҳам кенг фойдаланилмоқда.

XXI аср — компьютер асри. Ёшларнинг келгусида етук малакали кадр қилиб тайёрлашда уларнинг компьютер саводхонлиги муҳим ўрин тутади. Бу борада ҳам лицейда катта илмий изланишлар олиб борилмоқда. Ўқитувчи Ҳ.Жўраеванинг «Информатикадан амалий ва лаборатория машғулотлари учун машқлар тўплами» услубий қўлланма сифатида ўқувчиларга компьютер билан ишлашда яқиндан ёрдам бермоқда. Н.Аҳмадалиеванинг «Интернет хабарлари», «Тезкор савол-жавоб» ноанъанавий дарслари ҳам кўпчиликда қизиқиш уйғотмоқда.

Физика фани ўқитилишида ҳам йилдан-йилга кўплаб ютуқларга эришилмоқда. Тоҳиржон Аҳмедов ва Мамлакатхон Наимовалар раҳбарлигидаги «Ёш физиклар» тўгарагида доимо иш қизғин. 10-синф ўқувчиси Зарифа Ўринованинг иқтисодий тежамкорликни кўзда тутган, фойдаланишга қулай бўлган физик қурилмани ишлаб чиқиши устоз-шогирдлар ҳамкорлигидан далолатдир.

Лицейда дарслик ва қўлланмалар яратишда катта тажрибага эга мутахассислар фаолият кўрсатмоқда. Г.Дубовский, А.Умматовларнинг «Зоологиядан ўқув қўлланма», «Биология», Ҳ.Холматовнинг «Умумий биология фанининг генетика селекция бўлими» каби китоблари фикримиз далилидир.

Ижтимоий фанлар йўналишида ҳам эътиборга сазовор амалий ишлар қилинмоқда. Л.Жалолованинг «Она тилидан ўқувчилар билими ва саводхонлигини оширишда грамматик таҳлилнинг роли» услубий қўлланмаси, Б.Ўринбоеванинг «Вилоятимиз тарихига бир назар» каби нашрлар амалга оширилди.

2002 йилги вилоят фан олимпиадаси босқичида ҳуқуқ фанидан лицей ўқувчиси Дилшодбек Йўлдошев фахрли учинчи ўринни эгаллади. Лицей ўқувчилари ҳар йили АКСЕЛС танловларида қатнашиб, яхши натижаларга эришмоқда. Инглиз тили ўқитувчиларининг ноанъанавий дарс усуллари самарасини шундан билиш мумкин.

«Ёш ижодкор» тўгарагида шеърият, адабиёт билан шуғулланадилар. Тўгарак аъзолари иштирокидаги «Мумтоз шоирлар даврасида», «Тил байрами», «Адабиёт бўстонига сайр», «Навоий руҳи биз билан» каби кечалар мунтазам ўтказиб турилибди.

Л.ЖАЛОЛОВА,
Д.АБДУЛЛАЕВА.

Масала кўндаланг қўйилади

ТАДБИРКОРНИ СУЯМОҚ — ФАРЗ

Денов шаҳри марказида «Бибихувайдо» хусусий ресторани ишга туширилиб, аҳолига хизмат кўрсата бошлади. Ён-атроф ободонлаштирилди. Тадбиркор З.Асомиддинова ошхонанинг орқа томонидаги ташландиқ ерни тартибга келтириб, шаҳар ҳокимлигининг рухсатини олгач, автоуловларни пуллик сақлаш бекати барпо этди. Ишлар юришди, хўрандалар сони кўпайди, олис йўлга қатновчилар учун муайян шарт-шароитлар яратилди.

Бироқ, орадан кўп ўтмай, туман ҳокимлиги мутасаддилари бекатни ёпиб, барча автобусларни «Шоҳбекат»дан қатнашини йўлга қўямиз, деган қарорга келишди. Табиийки, куч ва маблағ сарфлаган тадбиркор ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилишга киришди. Тегишли идораларга мурожаат этди. Сурхондарё вилоят адлия бошқармасининг бошлиғи, биринчи даражали адлия маслаҳатчисининг унга йўллаган хатида жумладан шундай сатрлар бор: «Денов тумани ҳокимининг «Шаҳарда йўловчи ташиш транспортлари ҳаракатланиши ва йўловчиларни ташиш ҳамда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, шоҳбекат фаолиятини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қонуний бўлиб, мулкчилик шаклидан қатъий назар, барча ташкилот, корхоналар ва фуқаролар томонидан ижро этилиши мажбурийдир, мазкур қарор Сизнинг тадбиркорлик фаолияти юритишингизда ҳеч қандай тўсқинлик қилмайди.

Денов тумани ҳокимидан Замира Асомиддиновага автоуловларни вақтинчалик сақлаш бекати фаолиятини юритиш учун қонунда белгиланган тартибда амалий ёрдам кўрсатилишини сўрайман».

Тадбиркор номига вилоят ички ишлар бошқармаси йўл-патрул хизмати бошлиғи, милиция подполковниги С.Эшонқуловдан «Бибихувайдо» хусусий ресторани ҳудудида жойлашган тураргоҳдаги транспорт воситаларини кириши ва чиқиши автомобил йўлидан қатнаётган автотранспорт воситаларининг ҳаракат хавфсизлигига раҳна солмайди ва аксинча, ушбу жойдан транспорт воситаларини қисқа муддат сақлайдиган тураргоҳ сифатида фойдаланиш мақсадга мувофиқдир, деган мазмунда хат олинди.

Биз туман ҳокимлиги мутасаддилари билан ҳам фикрлашдик.

— Тадбиркорликни ҳамиша қўллаб-қувватлаймиз, - дейди туман ҳокими. - Шаҳарда бош лойиҳа асосида автоуловларни сақлайдиган шоҳбекат қурилган. Олис йўлга отланган машиналарнинг техник ҳолати ва йўловчилар хавфсизлигини таъминлашни назарда тутиб, Денов шаҳар ҳокимининг қарори бекор қилинган. Автобусларнинг жўнаш жойи шоҳбекатга кўчирилган.

Ҳокимнинг фикр-мулоҳазалари тўғри. Бироқ, тадбиркорга эътибор қилиниб, белгиланган хайрли ишларни давом эттириш учун амалий ёрдам, мадад кўрсатилса, олам гулистон. Бу ишда ҳамкору ҳамжиҳатлик, иш манфаатидан келиб чиққан ҳолда ҳаракат қилиш, бир-бирини тўғри тушуниш жуда муҳимдир.

ЁЛҚИН.

МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИ БЕКОР ҚИЛИНАДИГАН БЎЛСА

Саволингизга ҳуқуқшунос Карим Мухторов жавоб беради

САВОЛ: ***Ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини бир марта қўпол равишда бузганлиги деганда нималар тушунилади? Шу асосда ходим билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинадиган бўлса, иш берувчи томонидан нималарга аҳамият берилмоғи зарур?***

Сайдулла ҲАЙДАРОВ,
Чирчиқ шаҳар Давлат санитария-эпидемиология назорат марказининг бош врачи.

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 174, 176 ва 178-моддаларига мувофиқ ҳар бир ходим ўз меҳнат вазифаларини ҳалол, виждонан бажариши, меҳнат интизомига риоя қилиши, иш берувчининг қонуний буйруқларини ўз вақтида ва аниқ бажариши, технология интизомига, меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги ва ишлаб чиқариш санитарияси талабларига риоя қилиши, иш берувчининг мол-мулкини авайлаб-асраши шарт.

Ходимнинг меҳнат вазифалари ички меҳнат тартиби қоидаларида, интизом тўғрисидаги низомларда, муассасада қабул қилинадиган локал ҳужжатларда, яъни жамоа шартномаларида, йўриқномаларида ҳамда ишга қабул қилишда тузилган меҳнат шартномасида аниқ белгилаб қўйилиши зарур.

Ҳар бир ишга қабул қилинаётган ёки бошқа ишга ўтказилаётган ходим ўзига юклатилган меҳнат вазифалари доираси билан олдиндан имзо чектириб таништирилиши керак. Бу қонун талаблари иш берувчи томонидан бажарилмаса низолар келиб чиқиши мумкин.

1996 йилнинг 1 апрелига қадар амалда бўлган Ўзбекистон Меҳнат қонунлари кодексининг 41-моддасида ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини бузганлиги учун жавобгарлиги алоҳида банд қилиб кўрсатилган эди. Лекин ҳозир амалдаги қонунимизда бу алоҳида банд қилиб берилмаган. 1995 йилнинг 21 декабрида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 100-моддаси II қисм 4-бандида ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини бир марта қўпол равишда бузганлиги учун иш берувчи ўз ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳуқуқига эга эканлиги кўрсатиб ўтилган.

Ходим билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишга олиб келиши мумкин бўлган меҳнат вазифаларини бир марта қўпол равишда бузишларининг рўйхати муассасада касаба уюшма қўмитаси билан келишилган ҳолда иш берувчи томонидан тасдиқланадиган ички меҳнат тартиби қоидаларида кўрсатиб ўтилган бўлиши шарт.

Ички меҳнат тартиби қоидасида меҳнат шартномаси бекор қилинишига олиб келувчи меҳнат вазифаларини бир марта қўпол равишда бузишига қуйидагилар киритилиши мумкин:

- прогул, яъни узрли сабабларсиз сурункасига ёки иш куни давомида жами уч соатдан ортиқ ишда бўлмаслик;
- алкоголли ичимлик ичиб, гиёҳвандлик ёки токсик модда таъсирида маст ҳолатида ишга келиш гувоҳларнинг кўрсатмалари ёки тиббий хулоса билан тасдиқланса;
- иш жойида муассаса мол-мулкини ўғирласа, буни гувоҳлар тасдиқласа ёки ходимдан ўғирланган нарса далилий ашё сифатида олинса;
- хавфсизлик техникаси, ишлаб чиқариш технологиясини қўпол равишда бузиши муассаса ходимларининг, шу жумладан, тартибни бузувчининг ҳаёти ва соғлиғига хавф солишга олиб келган бўлса;
- бевосита пул ёки товар бойликларига хизмат кўрсатувчи ходим томонидан айбли ҳаракатлар содир этилиши, агар ушбу ҳаракатлар раҳбарият томонидан унга ишонч йўқолиш учун асос бўлса;
- врачлик сирларини ошкор қилса;
- тарбиявий вазифаларни бажарувчи ходим бу ишни бундан кейин давом эттириш мумкин бўлмаган даражада ахлоқсизлик қилган тақдирда.

Агар муассасада ички меҳнат тартиби қоидаси қабул қилинмаган бўлса ёки у қабул қилинган бўлиб унга юқорида кўрсатиб ўтилганлар киритилмаган бўлса, ходим ўз меҳнат вазифасини қанча бузмасин (ойлаб ишга чиқмаслик, маст ҳолда ишда бўлиш ва ҳоказо), барибир у билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиб бўлмайди. Агарда меҳнат шартномаси бекор қилинса, ходимнинг аризасига биноан албатта мутасадди органлар томонидан ходим ўз ишига қайта тикланади ва барча мажбуран бекор юрган вақти учун ҳақ тўланади (МК 275-модда).

Шунинг учун муассасалар меҳнат низоларининг олдини олиш мақсадида меҳнат шартномасини ўз ташаббуси билан бекор қилишда ҳар бир иш берувчи муассасада Ички меҳнат тартиби қоидаси, ходимларнинг меҳнат вазифалари тўғрисидаги йўриқнома, жамоа шартномаси бўлишлиги ва бу ҳужжатлар билан ҳар бир ходим ўз вақтида имзо чектириб таништирилиши зарур.

МУҚОБИЛ ХИЗМАТ ХУСУСИДА

Саволингизга Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси ҳуқуқшуноси Орифжон Ғайназаров жавоб беради

САВОЛ: ***Учта фарзандим бор. Уларни ёлғиз катта қилмоқдаман. 1984 йилда туғилган ўғлим ҳарбий хизматга чақирилиш арафасида. Уни яқинда тиббий кўрикдан ўтказишганида «IV даражали яссиоёқ», — деб ташҳис қўйишган. Ана шу катта ўғлим ёрдамида рўзғор тебратиб турибмиз. Уни муқобил хизматга қолдириш мумкинми?***

Дилором АБДУЛЛАЕВА,
Гурлан тумани.

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикасининг «Муқобил хизмат тўғрисида»ги Қонунида Ўзбекистон Республикасининг ҳарбий хизматга чақирилиши лозим бўлган фуқаролари қуйидаги ҳолатлардан бири мавжуд бўлганида муқобил хизматни ўташ ҳуқуқига эга бўладилар:

— хизматга чақирилаётган шахсдан ташқари 16 ёшга тўлмаган тўрт ва ундан ортиқ болали оиладан бўлсалар;

— ҳарбий хизматни ўташ даврида ногирон бўлиб қолган ота-онаси ёки ака-ука (опасингил)лари бўлса;

— диний таълимоти қурол ишлатишга ва Қуролли кучларда хизмат қилишга йўл қўймайдиган рўйхатдан ўтган диний ташкилотларнинг аъзоси бўлсалар.

Хатингиздан кўриниб турибдики, Сизнинг фарзандингизда юқорида айтилган ҳолатлар мавжуд эмас. Шу сабабли ўғлингиз муқобил хизматни ўташ ҳуқуқига эга эмас.

СОЛИҚ ҲАҚИДА ТУШУНЧА БЕРСАНГИЗ

Саволингизга Давлат солиқ қўмитаси юридик бўлими бош ҳуқуқшуноси Муҳаммад Абдуллаев жавоб беради

САВОЛ: ***0,15 га томорқамиз бор. Шундан 0,03 гасига (теплица) иссиқхона қурганмиз. Унга газ ва электр ҳам ўтказганмиз. Томорқа учун ер солиғи, газ ва электр ҳақини мунтазам тўлаб келмоқдамиз. Яқинда туман Давлат солиқ инспекциясидан ходимлар келиб, «Теплица ва парникларингизга алоҳида солиқ тўлайсизлар», - дейишди. Шу тўғрими?***

Жуманиёз РАЖАБОВ,
Элликқалъа тумани.

ЖАВОБ: Солиқ кодексининг 58-моддасига асосан жисмоний шахсларнинг ёрдамчи хўжаликда етиштирган қорамол, қуён, нутрия, балиқ, паррандаларни ҳам тирик ҳолатда, ҳам уларни сўйиб маҳсулотларини хом ва қайта ишланган ҳолда, шунингдек асаларичилик маҳсулотларини ва бундай хўжаликда етиштирилган табиий ёки қайта ишланган деҳқончилик маҳсулотларини сотишдан олган даромадларига, агар фуқароларда шахсий ёрдамчи хўжалик мавжудлиги маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг маълумотномаси билан тасдиқланган ҳолларда солиқ солинмайди. Гул етказиб сотиш бундан мустасно.

Жисмоний шахслар жойлардаги ҳокимликлар томонидан алоҳида ажратилган жойларда ўзларига тегишли ёрдамчи хўжаликда етиштирилмаган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан савдо қилганларида Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йилнинг 31 декабрдаги 490-қарорининг 10-иловасига биноан ойига энг кам иш ҳақининг 5 баробари миқдорида белгиланган қатъий солиқ ставкаларини тўлаган ҳолда савдо фаолияти билан шуғулланадилар. Ушбу солиқ ставкаси шаҳар ва туманларда қисман фарқ қилганлиги боис, унинг аниқ миқдори вилоят ҳокимлари томонидан белгиланади.

ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНА



ТАЪТИЛ ДАВРИ УЧУН ТЎЛАНАДИГАН ҲАҚ

Саволингизга ЎзКУФКнинг меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоя қилиш бўлими мудири Маҳмуджон Исаев жавоб беради

САВОЛ: ***Меҳнат таътилига чиқаётган ходимнинг таътил даври учун тўланадиган ҳақни ҳисоблаб чиқаришда иш ҳақи сифатида тўланадиган барча тўловлар ҳисобга олинадими? У қандай ҳисоблаб чиқарилади?***

Эштемир АШУРОВ,
Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Узун туман кенгаши раиси.

ЖАВОБ: Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги 133-сонли Қарори билан тасдиқланган «Ўртача ойлик иш ҳақини ҳисоблаб чиқариш Тартиби»га биноан таътиллар вақтига ҳақ тўлаш мақсадида ўртача ойлик иш ҳақини аниқлаш учун ҳисоблаб чиқариш кунидаги тарификация бўйича белгиланган иш ҳақи ёки лавозим маоши асос қилиб олинади. Бунга ҳисоблаш даврида тарификация бўйича белгиланган иш ҳақи ёки лавозим маошидан ошган миқдорининг (яъни ишбай асосида ишлаб топилган қўшимча иш ҳақи, мукофотлар, қўшимча тўловлар, иш ҳақига қўшимча ҳақлар ва ижтимоий суғурта бўйича бадаллар ҳисобланадиган бошқа тўловларнинг) ўн иккидан бири (олти ой тўлиқ ишлаганларга олтидан бири; етти ой тўлиқ ишлаганларга еттидан бири ва ҳоказолар; ўрта махсус ва ҳунар- техника ўқув юртлари ўқитувчилари учун ўндан бири) қўшилади.

Ижтимоий суғурта бўйича бадаллар ҳисобланмайдиган тўловлар Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банк, Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан қабул қилинган ва Адлия вазирлигида 2001 йил 16 мартда 1018 рақам билан рўйхатга олинган Йўриқноманинг биринчи иловасида келтирилган. Бу қуйидаги тўловлар:

1. Ишлатилмаган таътил учун компенсация.
2. Ишдан бўшатиш нафақаси.
3. Моддий ёрдам тарзида тўланадиган ҳар хил пуллик тўловлар.
4. Компенсация тўловлари (хизмат сафари бўйича суткалик харажат пуллари ёки суткалик харажат пуллари ўрнига бериладиган тўловлар, ходимлар саломатлигига меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллигига чалиниши ёки меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда соғлиғининг бошқача тарзда шикастланишини қоплаш тўловлари).
5. Ходимларнингайрим тоифаларига бепул бериладиган уй-жой, коммунал хизматлари, ёнилғи, йўл чиптолари нархи ёки уларни қоплаш қийматлари.
6. Ходимга берилган махсус кийим-бош, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибдаги ҳимоя воситалари, сут ва даволаш-профилактика озиқ-овқат махсулотлари қийматлари.
7. Бепул овқатланиш қиймати.
8. Овқатланиш учун дотациялар, санаторий-курортларда даволанишга ва дам олиш уйларига йўлланмалар қиймати, турғун ва амбулатория даволаниш харажатлари.
9. Бошқа худудга ишлаш учун кўчиб ўтиш билан боғлиқ йўлкира, мол-мулкни олиб бориш, уй-жойни ижарага олиш харажатларини қоплаш.
10. Доимий иш йўлда ёки кўчиб юриш, шунингдек хизмат юзасидан юриш билан боғлиқ бўлганда суткалик харажат пуллари ўрнига иш ҳақига тўланадиган қўшимча ва устамалар.
11. Тегишли бюджет ёки хайрия жамғармаларига ўтказиладиган ҳақ тўланмайдиган иш кунларидаги (шанбаликлар ва ҳоказо) меҳнат учун иш ҳақи.
12. Юбилей саналари, туғилган кунлар, кўп йиллик ва ҳалол меҳнат фаолияти, жамоат ишларидаги фаоллиги ва бошқа шунга ўхшаш ҳолларда иш ҳақи фонди (меҳнатга ҳақ тўлаш фонди) ҳисобидан амалга ошириладиган рағбатлантириш тўловлари (мукофотлар).
13. Мусобақалар, кўриклар, танловлардаги совринли ўринлар учун берилган пуллик мукофотлар.
14. Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқишга юборилган ўқувчиларга корхона ва ташкилотлар томонидан тўланадиган стипендиялар.
15. Олий ёки ўрта махсус билим юртини битиргандан сўнг берилган таътил учун ёш мутахассисларга корхона, муассаса, ташкилот ҳисобидан тўланадиган ёрдам пуллари.
16. Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақалар, ишсизлик бўйича нафақалар, ижтимоий нафақа ва пенсиялар.

ШУ ТЎҒРИМИ?

Саволингизга Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси Бош мутахассиси Йўлдош Аҳмедов жавоб беради

САВОЛ: ***2000-2001 йиллар «Ибн Сино» ёзги дам олиш оромгоҳига раҳбарлик қилдим. Жорий йилда эса менга хабар бермасдан оромгоҳга янги раҳбар тайинланди. Мени ишдан бўшатишларига асос борми?***

Б.СУЛАЙМОНОВ,
Каттақўрғон шаҳри.

ЖАВОБ: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг 1996 йил 15 мартдаги 6-12 сонли Раёсат Қарори билан тасдиқланган «Болаларни соғломлаштириш оромгоҳлари тўғрисида»ги Низомга кўра оромгоҳнинг деярли барча ходимлари, жумладан оромгоҳ бошлиғи ҳам соғломлаштириш мавсуми давомида ишга тайинланади.

Оромгоҳ бошлиғи, оромгоҳ жойлашган туман, шаҳар ҳокимлиги, халқ таълими бўлимларининг ёзма тавсияларига кўра танлаб олинади ва касаба уюшмалари томонидан ишга тайинланади. Сиз 2000 ва 2001 йилги соғломлаштириш мавсумида «Ибн Сино» болалар оромгоҳи бошлиғи вазифасида ишлагансиз. Самарқанд вилоят таълим ва фан ходимлари касаба уюшма қўмитасининг аниқлашича, Сиз 1993 йилда Тожикистон Республикасининг Душанбе даволаш педагогика университетини тугатган экансиз.

Амалдаги Низомларга кўра бошқа давлатларда олий ёки ўрта махсус ўқув юртларини 1992 йилдан кейин битирган мутахассислар Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Давлат тест Маркази таркибидаги кадрлар тайёрлаш, сифатини назорат қилиш, педагог кадрлар ва таълим муассасаларини аттестация қилиш бошқармасининг нострификация бўлими томонидан тан олинмагунча (нострификация қилинмагунча) кучга эга эмас. Юқоридаги сабабларга кўра Сиз бу йил «Ибн Сино» оромгоҳи бошлиғи вазифасига тавсия этилмагансиз.



Сурхондарё вилояти Денов тумани Ички ишлар бўлими вояга етмаганлар билан ишлаш бўлинмасида ижобий ишлар йўлга қўйилган. Бугунги кунда ўқувчи ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг турли хил кўринишларининг олдини олишда милиция лейтинанти Мамарасул Сиддиқовнинг хизматлари таҳсинга лойиқ.

Суратда: М.Сиддиқов 82-ўрта умумтаълим мактаби ўқувчилари билан.

И.ҲАСАНОВ олган сурат.

САЙЁРАМИЗ САДОСИ

ПОКИСТОНДА РЕФЕРЕНДУМ

Мамлакат халқи масъул тадбирга катта тайёргарлик билан келди. Бугун Покистонда президент Парвез Мушаррафнинг ваколат муддатини узайтириш бўйича референдум бўлиб ўтади. Давлат бошлиғи овоз бериш арафасида сўзга чиқиб, Покистоннинг нуфузини минтақада янада ошириш учун ғайраттшижоатимни аямайман, деди.

ҚОБУЛДА НАМОЙИШ

Афғонистон пойтахтида куни кеча ўзига хос бир сана нишонланди. Шу муносабат билан Қобул шаҳрида ўлкан намойиш уюштирилди. У мамлакатнинг собиқ ҳукмдорларидан бири Нажибулло ҳокимиятининг ағдарилганига 10 йил тўлганлигига бағишланди. Намойишда иштирок этган юқори мартабали арбобларнинг кўпчилиги мамлакат озодлиги учун курашда фидойилик кўрсатган Аҳмад Шоҳ Масъудни миллий қаҳрамон деб эълон қилдилар.

СИНАЙНИ ЭСЛАБ

Миср халқи Синай ярим оролининг Исроил босқинидан озод этилганлигининг 20 йиллигини кенг нишонлади. Мазкур минтақа 1967 йилда ишғол этилиб, Исроил ва Миср ўртасидаги тинчлик шартномасига биноан 1979 йилда қайтариб берилган эди. Ушбу сана муносабати билан мамлакат президенти Муҳаммад Ҳусний Муборак номаълум аскар ва собиқ давлат бошлиғи Анвар Садат қабрларига гулчамбарлар қўйди.

ҚАМАЛ БЕКОР ҚИЛИНДИ

Исроил — Фаластин мухторияти муносабатларида, айтиш мумкинки, кичик бўлсада, ижобий бир қадам қўйилди. Гап шундаки, Фаластин миллий мухторияти раҳбари Ёсир Арофат бир ойдан зиёд вақт мобайнида ўзининг Рамаллохдаги қароргоҳида уй қамоғида ётган эди. Эндиликда мазкур қамал олиб ташланганлигини Исроил мудофаа вазири эълон қилди. Шу муносабат билан АҚШ Президенти Жорж Буш Исроил ҳукуматининг ушбу хатти-ҳаракатини маъқуллади.

ЭНДИ САВОЛГА ЎРИН ЙЎҚ

Бундан бир неча вақт муқаддам Мексиканинг Монтеррей шаҳрида БМТнинг тараққиётни ривожлантиришга бағишланган анжумани бўлиб ўтганидан хабаримиз бор. Ўшанда Куба президенти Фидел Кастро форумни дафъатан барвақт ташлаб чиқиб кетган эди. Яқинда Гаванада ўтказилган матбуот конференциясида Ф.Кастро бунинг сабабини изоҳлаб, анжуманни Мексиканинг олий даражадаги расмий раҳбарлари илтимосига биноан ташлаб кетганлигини ошкор қилди. Зотан, Мексика президенти В.Фокс, ташқи ишлар вазири Х.Кастаньеда ўз мамлакатлари билан АҚШ ўртасига совуқчилик тушишини истамаганлар. Зеро, Ф.Кастро АҚШни , хусусан, президент Ж.Бушни танқид қилгудек бўлса, шундай ҳолнинг вужудга келиши турган гап эди.

«ВЕРМАХТ ЖИНОЯТЛАРИ» КЎРГАЗМАСИ

Австрия пойтахти Венада «Вермахт жиноятлари» деб аталган кўргазма очилди. Унда гитлерчиларнинг ваҳшийликлари ҳар томонлама очиб ташланган. Зотан, иккинчи жаҳон уруши йилларида 247 минг австриялик аскар ва зобитлар ҳалок бўлган эди. 495 минг киши эса фашистлар асирлигининг заҳматларини чекишган.

Қизиғи шундаки, ушбу кўргазмани томоша қилгани келган фуқаролар ва сайёҳлар унинг шафқатсизлик тимсоли эканлиги хусусида сўз юритмоқдалар. Бироқ, кам бўлсада, вермахт юришларини оқлаётган кимсалар ҳам топилиб қолди. Оқибатда тарафдорлар ва бу дахшатга қаршилар ўртасида низолар пайдо бўлди. Бундай «баҳслар»дан бири жанжалга айланиб кетди. Тўстўполонларни полиция сувпуркагичлар ва резина тўқмоқлар воситасидагина босди-босди қила олди.

Интернет ва жаҳон оммавий ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди.

Мини футбол: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг кўчма Кубоги учун

ГУРУҲ ҒОЛИБЛАРИ аниқланяпти

Ўзбекистон Миллий университети спорт залида давом этаётган Республика касаба уюшмалари Федерациясининг кўчма Кубоги учун мини футбол бўйича касаба уюшмалари терма жамоалари ўртасидаги анъанавий тармоклараро турнирнинг якунловчи босқич беллашувлари қизғин тус олди. Тўрт гурухга бўлинган 17 жамоа ярим финал бахсларига йўлланма берувчи гурух ғолиблигини кўлга киритиш максадида астойдил курашмокда.

Турнирнинг иккинчи кунги беллашувларини қуръа натижаларига кўра «Д» гуруҳидан жой олган Қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитасининг «Бунёдкор» ҳамда Кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорлик ходимлари касаба уюшма Марказий кўмитасининг «Тадбиркор» жамоалари бошлаб беришди. Ўйин тизгинини ўз қўлларига олган «Тадбиркор»чилар амалга оширган комбинациялар, тезкор ҳужумлар охир-оқибат жамоанинг ишончли ғалабасини таъминлади: 8:2. Аввалги икки учрашувни ҳам кўтаринкилик билан ўтказган «Тадбиркор» айни пайтда 9 очко тўплаган ҳолда биринчи ўринни эгаллаб турибди. Тадбиркорларнинг Енгил, мебел саноати ва коммунал маиший хизмат кўрсатиш ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитасининг жамоаси билан бугун ўтказиладиган учрашувида кўп нарсага ойдинлик киритилса ажабмас. Чунки «Зафар» жамоаси ҳам «Матбуотчи» билан кечган баҳсда 6:1 ҳисобида зафар қучиб, ўз ҳисобига навбатдаги уч очкони ёзиб қўйди.

«А» гуруҳидаги жамоалар иштирокидаги баҳслар мазкур жамоаларнинг кучлари деярли тенг эканлигидан дарак бермокда. Масалан, «Марказий АСМ» — «Алоқачи» жамоалари ўртасидаги учрашув олдиндан кўпчиликда катта қизиқиш уйғотганди. Негаки, иккала жамоа ҳам биринчи тур баҳсларида рақибларидан устун келишган ва бу гал майдонга фақат ғалаба учун тушишлари аниқ эди. Шундай бўлди ҳам. Ўйиннинг дастлабки дақиқаларида ташаббусга эга бўлган алоқачилар ҳисобни очишди. Бироз вақт ўтгач эса «Марказий АСМ» вакиллари имкониятни тенглаштиришга эришдилар: 1:1. Иккинчи бўлим бошларида ҳисоб яна тенглашгач (2:2) сўнгги дақиқаларда Агросаноат ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитасининг жамоа посбони ўз дарвозаси тўридан тўп олиб чиқишга мажбур бўлди. Бу ғалабага айниқса «Алоқачи»нинг моҳир ҳужумчиси Абдурашид Маматқулов катта ҳисса қўшди.

— Тўғриси, «Марказий АСМ» билан ўтган ўйин жуда муросасиз кечди, — дейди у турнир тўғрисида тўхталаркан. — Фурсатдан фойдаланиб бу каби кўплаб спорт тадбирларининг ташаббускори бўлаётган касаба уюшмаларига ўз миннатдорчилигимни изҳор этишни хоҳлардим.

— Чиндан ҳам касаба уюшмалари спорт оммавийлиги, меҳнаткашлар саломатлиги йўлида кенг кўламли ишларни амалга оширмоқдалар, — дея суҳбатга қўшилди «Маорифчи» жамоаси аъзоси, ЎзМУ ўқитувчиси Собир Эргашев. — Совринли ўринларни қўлга киритиш ёки киритмаслигимиздан қатъи назар мусобақа барчага катта фойда келтиряпти.

Турнир баҳслари давом этмоқда.



Камол ОЛЛОЁРОВ, «Ишонч» мухбири.
Икром ҲАСАНОВ олган сурат.

«Умид ниҳоллари—2002»

МУНОСИБ ЎРИНБОСАРЛАР ЕТИШМОҚДА

Кеча «Умид ниҳоллари» мусобақаси дастуридан ўрин олган спортнинг 11 тури бўйича баҳслар поёнига етди. Муросасиз кечган, ўзининг жозибадорлиги билан мухлису мутахассислар эътиборини ўзига жалб этган беллашувлар мамлакатимизда муносиб ўринбосарлар етишиб чиқаётганини намойиш этди.

БЕЛБОҒЛИ КУРАШ

Халоллик, мардлик, абжирлик хислатларини ўзида жам этган спортнинг ушбу тури Фарғона, Наманган, Сирдарё, Андижон ва Тошкент вилоятларида жуда оммавийлашган. Шу боис ўқувчилар ўртасида кечган беллашувларда ҳам асосан ушбу вилоятлар вакиллари даъвогарлик қилишди.

Вазни 50 кг.гача бўлган курашчилар баҳсида фарғоналик Соҳибжон Ортиқовга омад кулиб боқди. Кейинги уч вазнда эса Наманган вилояти вакиллари Музаффар Сойиббоев, Рустам Умаров, жаҳонгир Абдулхаевлар олтин медалли бўлишди. 71,77 кг. вазнда Сирдарё вилоятидан келган ёш полвонлар шоҳсупага кўтарилишди. Асил Эгамбердиев ва Султонали Турдалиевлар ушбу тоифаларда кучли эканликларини гиламда исботлашди. 77 кг. дан юқори вазнли полвонлар баҳсида омад яна мезбонлар вакилига кулиб боқди. Айнан шу тоифада «Умид ниҳоллари» чемпиони бўлган фарғоналик Шерзод Маҳмудов умумҳисобда жамоаси биринчи бўлишига ҳам ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди. 2-ўрин наманганликларга, 3-ўрин Тошкент вилояти жамоасига насиб этди.

ФУТБОЛ

Дастлабки учрашувларни хужумкор руҳда ўтказган Тошкент шаҳри, Наманган, Сурхондарё ва Фарғона вилоятлари жамоалари ярим финал ўйинларида ўзаро ҳисоб-китоб қилишди. Биринчи жуфтликда Тошкент шаҳри ва Наманган вилояти жамоалари майдонга тушишди. Ушбу ўйинда наманганлик ёш футболчилар ҳам ажойиб ўйин кўрсатишган бўлса-да, пойтахтликлар томонидан киритилган ягона гол учрашув тақдирини ҳал қилди.

Фарғона-Сурхондарё учрашувида кўпчилик мутахассис ва мухлислар башорати ўз исботини топди. Мусобақанинг дастлабки турларида қашқадарёликларни 3:0, хоразмликларни 6:0 ҳисобида доғда қолдирган мезбонлар хужумига воҳа ёш футболчилари дош бера олишмади. Меҳмонлар ўз дарвозасидан жавобсиз 3 та тўп олиб чиқишга мажбур бўлишди.

Кеча чемпионлик учун Фарғона ва Тошкент, 3-ўрин учун эса Наманган ва Сурхондарё жамоалари яшил майдонга чиқишди. Ёш футболчилар бежизга финал босқичига етиб келмаганликларини исботлашди. Ҳар икки учрашув ҳам ҳаяжонли лаҳзаларга бой бўлди. Наманганликлар рақиблари дарвозасига тўрт тўп киритиб, ўз дарвозаларидан бир тўп олиб чиқиб, учинчи ўрин соҳиби бўлдилар.

Ғолибни аниқлаш учун эса қўшимча вақт белгилашга тўғри келди. Чунки Фарғона ва Тошкент жамоалари ўртасидаги куч тенг келган эди. Ҳисоб 1:1. Пенальтиларни ижро этишда омад водийликларга кулиб боқди — 5:4.

ЕНГИЛ АТЛЕТИКА

200 метрлик масофага югуришда Олег Сундеев мезбонлар ҳисобига яна битта олтин медал қўшиб қўйди. Шу масофага бўлган қизлар баҳсида самарқандлик Гаянэ Богларян ўзининг иккинчи олтин медалини қўлга киритди. 800 метрга югуриш мусобақасида тошкентлик Данил Попов, қизлар баҳсида эса самарқандлик Алена Скворцоваларга омад кулиб боқди. Бу икки спортчи 400 метрли масофага бўлган мусобақада ҳам ғолиблик гаштини суришган эди. Узунликка сакраш чоғида ҳам пойтахт спортчилари барчанинг диққат-эътиборида бўлишди. Ўсмирлар ўртасида ушбу жамоа вакили Артём Лобачев, қизлар баҳсида Светлана Радзивал биринчиликни эгаллашди.

СУЗИШ

Эътироф этиш лозим, ушбу тур баҳсларида Тошкент шаҳри спортчиларига ҳеч бир жамоа қаршилик кўрсата олмаяпти. 50 метрга эркин усулда, 100 метрга брасс, 200 метрга чалқанча сузиш баҳсларида Мария Булгакова, Регина Солимчерпева ва Анна Шеговалар пойтахт жамоасига яна 3 та олтин медал тақдим этишди. 4х100 метрлик масофага марафон усулда сузишда Диана Хайрулина, Юлия Жудро, Мария Булгакова, Анна Шеговалар тўртлиги энг юқори натижага эришди.

Мўйдинжон СОБИТОВ.

ШОКОЛАД ЕГАН СОВУҚ ҚОТМАЙДИ

Канада армияси буюртмаси билан кишининг совуққа чидамлилигини оширадиган шоколад ишлаб чиқарилди. Унинг кўриниши, таъми оддий шоколаддан фарқ қилмайди. Таркибида фақат одатдаги табиий моддалар (какао, оқсил, қанд, ўсимлик мойи, асал, зираворлар) бор, холос.

Янги шоколаднинг сири унга қўшиладиган табиий моддада бўлиб, у баданга ёғни сингдириб совуққа тўсқинлик қилувчи аденозин моддасини нейтраллайди. Бадан ўзига сингиган ёғ ҳисобига иссиқлик ишлаб чиқаради.

Тажриба ўтказиш учун танлаб олинган талабгор талабалар фақат майка ва шортикда 3-6 соат 8-10 даражали совуқ хонада ўтиришди. Шунда битта бўлак шоколад еган талабалар емаганларга қараганда совуққа чидамли эканлиги маълум бўлди.

Уч соат ичида шоколад еганларнинг тана ҳарорати ярим даражадан камроқ пасайган бўлса, емаганларники эса бир даража камайган.

ЎХШАШЛИК

Машҳур немис комик артисти Лейпциг вокзалининг кутиш залида ўтирар эди. Шунда унинг ёнига бир киши келиб ўтирди-да,артистга тикилиб туриб сўради:

—Кечирасиз, сиз мабодо машҳур комик фалончи артистнинг укаси эмасмисиз?

—Йўқ, мен сиз айтган артистнинг ўзи бўламан.

—Э-ҳа, шунинг учун бу қадар ўхшаш экансизлар-да, -деди ҳалиги киши .

А.АЛИЕВ.



БУ МАКТАБГА ҲАВАС ҚИЛИШАДИ

Мамлакат истиқболи барча замонларда ҳам ёшларнинг камолот даражаси билан белгиланган. Шунинг учун ҳам Президентимиз ва ҳукуматимиз мустақилликнинг илк кунларидан ёшлар масаласига, таълимни жаҳон андозалари даражасига кўтаришга, миллий тарбияга жуда катта эътибор каратди. Айниқса, «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури» баркамол авлодни тарбиялашда — Ўзбекистон келажагига қўйилган мустаҳкам пойдевор бўлди. Бу борада мамлакатимизнинг жанубий сарҳади — Сурхондарёда ҳам бир қатор ишлар амалга оширилди.

— Мақсадимиз ёш авлодга жаҳон андозалари даражасида таълим бериш, уларни миллий мустақиллик руҳида тарбиялашдир, - дейди Шўрчи туманидаги 16-умумтаълим мактаби директори Мамадамин Менгнаров. - Замон билан ҳамқадам бўлмасдан, янгиликка интилмасдан туриб, таълим соҳасида бирор самарага эришиб бўлмайди. Биз ҳамиша ана шу ҳақиқатга амал қиламиз, иш фаолиятимизнинг мезонини эса замонавийлик, изланиш ва камолот белгилайди. Шунинг учун ҳам мактабимиз Сурхондарёда ягона ҳисобланган — ЮНЕСКО бирлашган мактаблар дастуридан ўрин олган билимгоҳ ҳисобланади.

Мирзо Эсонтурғунов номли ушбу мактабда 936 нафар ўқувчи таълим олади. Уларга 91 нафар малакали ўқитувчилар илм-фан сирларини ўргатади. 2001 йилда 66 нафар ўқувчи 11-синфни тугатиб, 21 нафари олий ўқув юртларига, 45 нафари эса Тошкент, Самарқанд, Термиз каби йирик шаҳарлардаги турли касб-ҳунар коллежи ва билим юртларига ўқишга кирди.

Мактабда, дарслар кабинет системасида ўтилади. 25 та хонанинг ҳар бири замонавий ўқув жиҳозлари, фанга алоқадор стендлар, журналлар, кўргазмали қуроллар билан таъминланган. 10 дона компьютер ўқувчиларнинг бу борадаги билимларини мустаҳкамлашда хизмат қилмоқда. 10,000 китоб фондига эга бўлган кутубхона, «Маънавият ва маърифат» хоналари, спорт зали, ўйингоҳ ёшлар хизматида. Болажонларнинг пухта билим олишларида Т.Маматқулова, Маърифат Менгнарова каби тажрибали бошланғич синф ўқитувчиларининг меҳнатини алоҳида таъкидлаш лозимдир. Бундан ташқари, Менгай Менгқобилова, Гулмира Соатова, Парчахол Жумаева, Ботир Добилов, Гулбой Нурматов, Назира Қаршиева, Муяссар Шукурова, Абдуғаффор Гулмирзаев каби иқтидорли ўқитувчиларнинг шогирдлари ҳар йили туман, вилоят, республика миқёсида бўлиб ўтаётган фан олимпиадаларида, спорт мусобақаларида, спартакиадаларда муваффақиятли иштирок этиб келмоқдалар.

Бозор иқтисодиёти шароитида ижтимоий ҳимояга муҳтож ўқитувчи ва ўқувчиларни қўллаб-қувватлаш, илғорларни рағбатлантириш, муаллимлар саломатлигини муҳофаза қилиш борасида бошланғич касаба уюшма қўмитаси ташаббуси билан ибратли ишлар қилинмоқда.

— Моддий манфаатдорлик, ўзаро ҳурмат-эътибор ва меҳр-оқибат бўлган ерда ишда ривожланиш, юксалиш, ташаббускорлик юзага келади, - дейди мактаб бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси Улуғбек Эшмуродов. - Муаллимларни ҳар томонлама ижтимоий қўллаб-қувватлаш, илғор ва ташаббускорларни моддий рағбатлантириш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш фаолиятимиз мезонини ташкил этади.

Аввало, иш ҳақи ҳар ойда икки марта берилади. Ўқувчиларимиз бирор-бир фан ҳамда спорт мусобақаларида вилоят ёки республика миқёсида ғалабага эришса, уларни тарбиялаган ўқитувчилар бир ойлик иш ҳақи миқдорида рағбатлантирилади. Ҳар бир ўқитувчига бир ойлик иш ҳақи миқдорида моддий ёрдам берилади. 2001 йилда 5 нафар ўқитувчиларимиз «Хонжиза» дам олиш уйида, 3 нафари эса бепул «Сурхон», «Жайронхона» шифохоналарида ўз соғлиқларини тиклашди. Наврўз байрами муносабати билан мактабимиз ҳовлисида гулзор барпо этдик. 150 та хурмо, 150 та турли мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказдик. Хуллас, Сурхондарёда ягона мактаб номини оқлаш учун сабот билан ишлаяпмиз. Зеро, интилиш ва изланиш билангина мақсадга эришиш мумкин.

Рустам ДАВЛАТ, «Ишонч» мухбири.

Биласизми?

ТОШКЕНТ ЛОЙИҲАСИНИ ЧИЗГАН МЕЪМОР

Таниқли меъмор, академик М.Булатовнинг туғилган кунига 95 йил тўлди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Бадиий академияси санъатшунослик илмий-тадқиқот институтида у яратган харита, лойиҳа ва тархларидан ибрат кўргазма очилди. Унда меъморнинг юзга якин ишлари намойиш этилди.

Митхат Булатов 1934 йилда меъморчилик институтини тамомлаб, иш фаолиятини Тошкентда бошлаган. У 1937 йилда шаҳар бош меъмори сифатида пойтахт лойиҳасини чизди. Айниқса, «Пахтакор» ўйингоҳи меъморнинг энг яхши лойиҳаларидан бири бўлиб қолди.

1931-2000 йиллар ичида Митхат Саодатдин ўғли 78 та илмий-тадқиқотлар олиб борди. Айниқса, унинг «Сомонийлар мақбараси — Ўрта Осиё дурдонаси» деб номланган китоби машҳур бўлиб кетди. Унинг меъморчилик фаолиятига ҳам мана етмиш йил тўлибди. Бу даврда меъмор кўп эзгу ишлар қилди. Қадимшунос олимлар билан изма-из юриб, миллий меъморчилигимиз тархи ва лойиҳасини чизиб, унинг харитасини яратди.

Шунингдек, тупроқ қалъа, Гўр Амир мақбаралари, Бибихоним масжиди, Мирзо Улуғбек расадхонаси, Бухородаги Мир Араб мадрасаси, Минораи Калоннинг тархлари ва лойиҳалари унинг маҳорати билан сайқал топди. Бу эса келажак авлодларга бебаҳо ёдгорлик сифатида қадрлидир.

Кўргазмада булардан ташқари Қозоғистоннинг Тамғали, Туркманистоннинг Чўғундор бобо мақбаралари, Озарбайжондаги Қорабоғлар мақбарасининг ўта усталик билан чизилган тархи ҳам жой олган.

Академик М.Булатов ҳатто Амир Темур туғилган юрт қадимий Кеш-Шаҳрисабзнинг ҳам тархини қаламга олган. У, айниқса, Оқсарой тархини ўта маҳорат билан яратди. Амир Темур ва темурийларга бағишланган ишлари «Соҳибқироннома» тархлар туркумини ташкил этди.

Митхат Булатов анча кексайиб қолганига қарамасдан, «Авесто»нинг 2700 йиллик юбилейи муносабати билан ўтказилган танловда ёдгорлик лойиҳаси билан қатнашиб, танлов ғолиби бўлди.

Кўргазмага қўйилган тарх, лойиҳа ва хариталар республикада хизмат кўрсатган бинокор, академик М.Булатовнинг бебаҳо меросидан далолатдир.

Маҳмуд АҲМЕДОВ, Ўзбекистон Бадиий Академияси ижодкорлар уюшмасининг аъзоси.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси Жиззах вилоят тармоқ қўмитаси раиси Жўлбек Қувондиқовга волидаи муҳтарамаси **ЯХШИГУЛ АЯ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ISHONCH
МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг кўчма Кубоги учун

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Кудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-87-73; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди 21.50

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.
«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Буюртма Г— 332. 1 2 3 4 5 6